

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 30-ҳадис

30 - عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِنَّ أَبْرَّ الْبِرِّ أَنْ يَصِلَ الرَّجُلُ وَوَدَّ أَبِيهِ».

Ибн Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Киши отасининг дўстлари билан (борди-келди) алоқаларини қилиши яхшиликларнинг олийсидир», дедилар. (Муҳаддис исми)

Шарҳ: Агар мусулмон киши ота- онаси вафотидан кейин ҳам уларга яхшилик қилишни истаса, ота- оналари яхши кўрган инсонлар билан борди-келди алоқаларини тиклайди. Инсон отаси ёки онасининг дўстларини зиёрат қилар экан, бу уларга тақдим қилаётган яхшилигидир. Ушбу ва шу мазмундаги бошқа ҳадисларда келишича, ота- оналарга фақат уларнинг ҳаётлик пайтларидагина яхшилик қилинмайди. Балки вафот этишгандан кейин, уларнинг яқин дўстлари тирик экан, улар билан алоқани тутишда бардавом бўлинади.

Саҳобаларнинг биридан ривоят қилинади. У: "Эй Аллоҳнинг расули, ота- онам вафот қилишганидан кейин уларга нисбатан бирор яхшилик қолдими?" деганида, у зот: "Ҳа, ота- онанг ҳаққига дуо қиласан, яқинлари билан борди-келди қиласан ва дўстларига икром кўрсатасан", дедилар.

Расулуллоҳ солаллоху алайҳи васаллам тавсия этган юқоридаги амаллар ота- оналар ҳаётлик чоғи ва вафотларидан кейин амалга ошириладиган яхши, савоб амаллардир.

Қадимда: "Оталарингизга яхшилик қилинг, шунда фарзандларингиз ҳам сизларга яхшилик қилишади", деб айтилган.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Ота- она тирик бўлганида ҳам, вафот қилганидан кейин ҳам яхшилик қилишнинг аҳамияти.

2. Муслмон киши ота- оналари яқин муомалада бўлган кишиларга ҳам яхшилик қилишга тарғиб қилади.
3. Ислон дунё ва охират ўртасини боғлайди.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI